

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Кўргазма



ФАРМАЦИЯДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧЛАР ВА ЮТУҚЛАР

Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида 2011 йил 25-29 октябрь кунлари «Ўзэкспомаказ» мажмуасида V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз иштини бошлади. Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар туфайли мустақиллик йилларида саноат тармоғи жадал ривожланмоқда.

Ўтказилаётган тадбирда мамлакатимизнинг 1000 зиёд компания ва корхоналари томонидан 6500 турдаги маҳсулот намойиш қилинмоқда.

Таъкидлаш муҳимки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2011 йилда 18 та маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқаришга жорий этилган 30 дан ортиқ тиббий маҳсулотлар, ички бозорда сотиладиган ва чет элга экспорт қилинадиган 16 та маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг тиббий маҳсулотлари, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига жорий қилишга тавсия этилган тиббий маҳсулотлар

билан иштирок этилмоқда.

Шунингдек, кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан 2011 йилда ишлаб чиқаришга жорий этилган тиббий маҳсулотлар, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг ички бозорда сотиладиган ва чет элга экспорт қилинадиган тиббий маҳсулотлари, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига жорий қилишга тавсия этилган тиббий маҳсулотлар рўйхатлари бўйича маълумотлар ёритилди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилаётган тиббий техника ва тиббий буюмлар тиббиёт амалиётида – ташхис қўйишда, даволаш иш-

ларида, хирургик амалиётида ва тиббиётнинг бошқа соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, республикамиз мустақилликка эришган давр мобайнида дори воситалари, тиббий техника ва тиббий ашёларни ишлаб чиқарувчи корхоналаримиз сони 1995 йилда 3 та бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб 120 га етди. Ушбу корхоналарда 94 та фармакотерапевтик гуруҳлардаги 1000 дан зиёд номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий фармацевтика корхоналарига халқаро стандартларни жорий этиш ҳам изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, 10 та корхонада ISO-9001 сифатни бошқариш стандартлари, 3 та корхонада GMP стандартлари талаблари жорий этилди.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

ЗАМОНАВИЙ ОРТОДОНТИЯНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

Жорий йилнинг 21-22 октябрь кунлари Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида «Замонавий ортодонтиянинг долзарб масалалари» мавзусига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Мазкур конференцияда жоннинг тараққий топган давлатларидан ўнга яқин йирик таъкид олимлар, республикамизнинг стоматология соҳасидаги етакчи олимлари, мутахассислари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари ва вилоятлардаги мутахассислар иштирок этдилар.

Конференция кун тартибидан асосан, юз-жағ суякларининг ривожланишидаги номуносибликлар, тиш-жағ аномалияларини эрта аниқлаш ва олдини олиш, превентив ҳамда корректив ортодонтия, стабиль (собит) таянч ва давомий ретенция фалсафаси, замонавий функционал ортодонтия, Ўзбекистонда ортодонтик саноатга бўлган талаб ва унинг истиқбол каби долзарб масалалар кўриб чиқилди. Мутахассислар юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, давлатимиз томонидан кейинги йилларда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида кундалик ортодонтия амалиётида ижобий натижалар қўлга киритилаётганлиги, шунингдек, бу борада илғор технологияларни республикамиз даволаш-профилактика муассасаларига жорий этиш масалаларига ҳам алоҳида тўхталдилар. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, анжуман давомида республикамиздаги болалар ва ўсмирларга бирламчи бўғиндаги даволаш-профилактика муассасаларида мазкур йўналиш бўйича профилактик ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Бўлиб ўтган ушбу анжуманимиз кенг аудиторияга камраб олган ҳолда, долзарб масалаларга катта эътибор қаратилди. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари, туман кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларда бирламчи ортодонтик профилактика сифатини яхшилаш, шунингдек, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, болалар уйлари

тарбияланувчилари орасида ортодонтик даволаш-профилактика ва диспансеризация ишларини талаб даражасида олиб борсақкина, фарзандларимизда кечаётган ушбу касалликларнинг ўз вақтида олдини олишга эришган бўламиз, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош стоматологи, ТошВМОИ «Ортодонтия ва болалар стоматологияси» кафедраси мудири, профессор Суннат Маҳсудов.

– Юртингизда ортодонтия ва болалар стоматологияси бўйича самарали ишлар амалга оширилган. Ушбу анжуман ҳам ўзига хос тарзда ўтказилиб, долзарб мавзулар кўриб чиқилди ҳамда мутахассислар орасида ўзаро фикрлар алмашилиб, керакли маълумотлар олинди. Мана 15 йилдирки, ушбу йўналишда ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб бораёпмиз. Албатта, ҳар йили ўтказилаётган мазкур анжуманларининг да иштирок этиб келаётганлигидан ҳамда ҳамкорликда олиб борилаётган фаолиятлардан мамнунман. Эътирофлиси шундаки, мамлакатингизда ортодонтия профилактикаси бўйича мутахассислар томонидан амалий ишлар ўз самарасини бериб келаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шундай экан, ушбу йўналишда эришаётган ютуқларингизни тажрибамизда қўллашни ҳам мақсад қилиб қўйдик. Албатта, амалдаги бундай ишларимиз ўз натижасини беришига ишончим комил, – дейди Жанубий Корея Ортодонтия институти президенти, профессор Ким Ил Бонг.

Икки кун давомида ўтказилган анжуманда республикамизнинг етакчи олим-ортодонтилари томонидан «мастер-класс»лар бўйича ўқув-семинар ташкил этилди. Шунингдек, тадбир давомида кўргазмалар, стендлар ҳамда мавзуга оид буклет ва плакатлар тайёрланиб, иштирокчиларга ҳавола этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тезкор кечаётган бир даврда тиббиётимиз ҳар томонлама ривожланиб, соҳада ютуқли натижаларга эришилмоқда. Ана шундай кенг аудиторияда ўтказилаётган илмий-амалий анжуман, съезд, конференция ва форумларнинг тиббиётимиз равнақи янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётганлиги бежиз эмас. Чунки, бундай нуфузли тадбирларнинг аҳамияти шундаки, соҳа мутахассислари тизимдаги ютуқ ва муаммо-камчиликларни ҳамкорликда ҳал қилишлари тиббиётимиз пойдевори мустаҳкамлигида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

УШБУ СОНДА:

**РЕПРОДУКТИВ
САЛОМАТЛИК
ВА СОҒЛОМ
ОИЛАНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

2

**ШОШИЛИНЧ
ТИББИЙ ЁРДАМ
ХИЗМАТИНИНГ
БУГУНИ ВА
ЭРТАСИ**

3

**БИР ТОМЧИСИ
ҲАМ ИНСОН
ҲАЁТИ УЧУН
ЗАРУР**

4

Телемулоқот

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК ВА
СОҒЛОМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

даги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1144-сонли Қарорларнинг ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш бўйича тизимда олиб борилаётган фаолиятларга ало-



2011 йилнинг 27 октябрь куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг катта мажлислар залида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия, Ички ишлар вазирликлари ва «IST TELEKOM» МЧЖ ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш омиллари» мавзусида телемулоқот бўлиб ўтди. Телемулоқот давомида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан олий ўқув юртлири, коллеж ва лицей ўқувчи ёшлари ҳудудлардан туриб, тўғридан-тўғри республика экспертлар гуруҳига савол бериш ва жавоб олиш имкониятига эга бўлдилар.



Телемулоқотни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Эльмира Боситхонова кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 1 июл-

ҳида эътибор қаратиб, бу борда аҳоли орасида, айниқса, ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилганлигига урғу берди.

Ушбу телемулоқотдан кўзланган асосий мақсад, ёшларнинг репродуктив саломатлиги ҳақида, никоҳ ёши, никоҳ шартномаси, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, қонуний никоҳнинг ҳуқуқий кафолатлари ва шаръий никоҳнинг салбий оқибатлари, исломда эркакнинг оила, фарзанд тарбияси олдидаги мажбуриятлари, аёллар ва болалар саломатлигида

эканлиги ҳамда ушбу тарғибот жараёнида ёшларнинг ташаббускорлигини оширишдан иборатдир.

Телемулоқот давомида ҳудудлардан тўғридан-тўғри ёшлар томонидан эфирга узатилган саволларга экспертлар тўлақонли тарзда жавоб бердилар.

Ниҳоятда қизиқарли ҳамда баҳс-мунозарага бой бўлган мазкур тадбир иштирок этган ёшларни репродуктив саломатлик ҳамда соғлом оилани шакллантириш инсон ҳаётида нечоғлиқ зарурат эканлигини, шунингдек, бунда уларнинг ҳам масъулияти қанчалик юқори эканлигини кўрсата олди.

спортнинг ўрни нечоғлиқ муҳим

Хулоса сифатида айтиш жоизки, репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш барчамизга катта масъулият юқлаб, ҳамкорликда ишлашимизни тақозо этади.

Кўргазма

ФАРМАЦИЯДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧЛАР ВА ЮТУҚЛАР



Ушбу стандартларнинг жорий этилиши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотларининг экспорт ҳажми ортишига сабаб бўлди.

Бунинг баробарида, республикада жами 2020 та тиббий техника ва тиббий буюмлар тиббиёт амалиётида ишлатилишига рухсат этилган бўлса, улардан 219 таси республикада маҳаллий ишлаб чиқарувчилари томонидан етказиб берилмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқариш (Давоми. Боши 1-бетда).

корхоналаридан 12 таси томонидан ишлаб чиқарилаётган 130 номдаги дори воситалари 9 та давлатда рўйхатга олинди, уларга республикада ишлаб чиқарилаётган тиббий маҳсулотлар етказилмоқда. Охириги уч йил ичида 20 дан ортик оригинал дори турлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Айтиш муҳимки, давлатимиз томонидан фармацевтика соҳасига қаратилаётган эътибор боис, ушбу йўналишда босқичма-босқич амалга оширилаётган

ишлар ўз натижасини бериб, муваффақиятларга эришилаётганлиги юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин далилидир. Жумладан, маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш, маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ-416-сонли «Дори воситалари ва тиббий ашёлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 2007 йил 19 ноябрдаги 731-сонли «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ва Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюм ва материалларни маҳаллийлаштириш Дастурлари Иқтисодиёт ва Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Давлат божхона кўмитаси, «Ўзфармсаноат» ДАК ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхати»га



кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2010 йил 21 январдаги 15-сонли Қарори қабул қилинди. Бу эса маҳаллий фармацевтика саноати ривожланишига, янги рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи дори воситалари ишлаб чиқарилишининг жадал суръатлар билан

ўсишига олиб келади.

Ушбу Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ўтказилиши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан уларнинг маҳсулотларини етказиб бериш учун шартномалар тузилишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарилаётган тиббий маҳсулотларнинг чет элга сотилиши учун ҳамкорларимиз жалб этилишига имконият яратди.

Исматжон АЗИЗОВ, Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, ф.ф.д., профессор.

Съезд

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

Жорий йилнинг 27 октябрь куни пойтахтимизда Шошилинч тиббий ёрдам врачлари ассоциациясининг II съезди ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимиз олимлари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят филиаллари мутахассислари, хорижий давлат вакиллари иштирок этмоқдалар.



Съездни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган фаолиятларга алоҳида эътибор қаратиб, нуфузли тарзда ўтказилаётган мазкур съезднинг мазмун-моҳияти нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳамда шошилинч тиббий ёрдам хизмати борасида амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхталди.

Таъкидлаш муҳимки, Шоши-



дан 80 мингтасига амбулатор хизмат, 50 мингтасига стационар хизмат кўрсатилади. Марказ ва унинг вилоят филиаллари замон талаблари даражасида реконструкция қилиниб, юқори технология ҳамда маалакали кадрлар билан таъминланган. Шунингдек, кундалик амалиётда қўлланилаётган усуллардан эндоскопик операциялар, эндоваскуляр амалиётлар, шунингдек, интервенц кардиологияси мультислайлик компьютер томографияси, ультратовуш томографияси ва бошқалар аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бундан ташқари, ўзаро тажриба алмашиш ва кадрлар малакасини ошириш



линич тиббий ёрдам хизмати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги 2107-сонли Фармойишига асосан, соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида махсус ва энг йирик ташкилий тузилма сифатида ташкил этилган эди ва 2001 йилдан бошлаб таянч-даволаш муассасаларининг қайта таъмирланиши ва реконструкциясидан сўнг асосий иш фаолиятини бошлади.

Шу ўринда айтиш керакки, янги хизмат фаолиятининг асосий тамойиллари деб қуйидагилар белгилаб олинди:

- тиббий ёрдамдан барча аҳоли ўз вақтида ва тезкор фойдалана олиши;
- даволанишнинг босқичма-босқичлиги;
- кўрсатилаётган ёрдамнинг ҳар бир босқичида тасдиқланган стандартларга риоя қилиниши, кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори технологи-яларга эга бўлиши.

Республика шошилинч тиб-

бий ёрдам илмий маркази (РШТЎИМ) ва унинг вилоятлардаги, яъни 13 та филиаллари, бундан ташқари, юртимизнинг 173 та аҳоли яшайдиган пунктларида туман тиббиёт бирлашмалари қошида РШТЎИМ клиник филиаллари ташкил этилган, булар туман тиббий бирлашмалари қошидаги шошилинч тиббий ёрдам бўлинмаларидир. Юқорида айтиб ўтилган стационар бўлинмалардан ташқари тузилмада 189 та «03» хизмати станциялари ва 1985 та тез тиббий ёрдам бригадалари мавжуд. Эътироф этиш лозимки, РШТЎИМ ва унинг вилоят филиаллари ҳамда бўлинмаларида кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар бўйича шошилинч ёрдамга муҳтож, фавқулодда юз берган ҳодисаларда азият чеккан фуқаролар, шунингдек, беморларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилади. Ҳар йилги мурожаатлар сони 130 мингтани ташкил этса, улар-

мақсадида Россия, Украина, Жанубий Корея, Туркия, Австралия, Швейцария, Япония ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

2009 йилда Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам врачлари Ассоциациясининг 1-съезди бўлиб, унда 630 нафар делегатлар қатнашди. Улардан 65 нафарини хорижий мутахассислар ташкил этди. Ўзбекистон шошилинч ёрдам врачлари Ассоциациясининг бу йилги 27-28 октябрда ўтказилаётган II съездида 5000 нафар мамлакатимиз ҳамда чет эллик мутахассислар иштирок этмоқдалар. Съезд доирасида режалаштирилган долзарб мавзулар қаторида давлатимиз аҳолисининг соғлиқни сақлаш тизимидаги 10 йиллик самарали меҳнат натижалари ҳам сарҳисоб қилиниши кўзда тутилган.

Нуфузли даражада ўтказилаётган мазкур съездда мамлакатимизнинг профессор-олимлари, хорижлик мутахассислар шошилинч тиббий ёрдам хизматининг аҳоли саломатлигидаги ўрни, илмий фаолиятдаги натижалар, эришилаётган ютуқлар ҳамда кадрлар масаласига катта эътибор қаратиб, долзарб мавзуларда маърузалар қилдилар. Албатта, бундай кенг миқёсда олиб борилаётган съезд иштирокчиларни ўзаро тажриба алмашишларида, шунингдек, шошилинч тиббий ёрдам хизматидаги янгиликлардан бохабар бўлишларида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

1-3-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Муаллиф олган суратлар.

Конференция

Жорий йилнинг 27 октябрь куни пойтахтимизда «Гематология ва трансфузиологиянинг долзарб муаммолари» илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлади. Унда соҳанинг профессор-олимлари, хорижий вакиллар ҳамда республика тиббиёт муассасаларининг мутахассислари иштирок этмоқдалар.

ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ТРАНСФУЗИОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ



Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Асомидин Камиллов мамлакатимизда тиббиёт тизимида эришилаётган муваффақиятларга алоҳида тўхталиб, жумладан, Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти томонидан олиб борилаётган ижобий фаолиятлар тўғрисида гапириб ўтди.

Таъкидлаш муҳимки, давлатимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги республикада аҳолига гематологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда қон хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Тиббиётнинг бар-

ридаги ижобий ўзгаришларда ўз аксини топди ва уларда асо-рат ҳамда ўлим кўрсаткичлари камайди. Хукуратимиз томонидан 2004 йилда Осиё тараққий-ёт банки билан «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида шартнома имзоланди. Лойиҳа бўйича «Аҳолини хавфсиз қон билан таъминлаш дастури» амалга оширилиб, республика қон қуйиш хизмати учун, жумладан, институт қон қуйиш станцияси, замонавий асбоб-ускуналар, улар учун зарур хом ашёлар сотиб олинди ҳамда ишлаб чиқарилаётган қон ва унинг компонентлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қон қуйиш станция-



ча йўналишлари қатори Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти мамлакатимизда гематология ва трансфузиология соҳасидаги етакчи муассасалардан ҳисобланиб, бу борада ҳам ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Беморларга ихтисослаштирилган гематологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш мақсадида клиника бўлимларининг жойлашуви ва структурасида катта ўзгаришлар қилинди. Клиниканинг моддий-техник базаси яхшила-ниб, бўлимлар капитал таъмирдан чиқарилди ва беморлар стационар ҳолатда даво-ланиш учун янада қулай ш-роитларга эга бўлдилар. Доридармон ва қон препаратлари билан таъминланиши, диагностика имкониятларининг яхши-ланиши, диагностика даволаш сифатидаги кўрсаткичларда, жумладан, лейкоз бўлган бе-морлар ремиссиясида ҳаётла-

лари замонавий юқори техно-логияли асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозирда Осиё тараққий-ёт банкнинг «Аҳолини хавфсиз қон билан таъминлаш дастури» лойиҳаси бўйича рес-публикада қон хизматини бос-қичма-босқич марказлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Анжуман давомида мута-хассислар соҳадаги муҳим долзарб мавзулар бўйича маъ-рузалар қилдилар. Кенг ауди-торияда ўтказилаётган бундай тадбирнинг ўзига хослиги шундаки, соҳадаги муваффа-қиятлар билан бир қаторда, ечимини кутаётган масала-ларга ҳам катта эътибор қара-тилди. Икки кун давом этади-ган ушбу анжуманда мутахас-сислар ўзаро фикр алмашиб, гуруҳларга бўлинган ҳолда фаолиятлардаги изланиш, ян-гиликлар сари ташланаётган одимларнинг самарали кечиш йўллари ўртага ташлаб, со-ҳани янада ривожлантириш учун баҳс-мунозара тарзида иш олиб бо-радилар.


Қон бу ҳаёт

БИР ТОМЧИСИ ҲАМ ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ЗАРУР

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда тиббиёт тизимида катта ўзгаришлар бўлиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу жумладан, Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтимизда ҳам муваффақиятли ишлар амалга оширилмоқда. Шундай экан, институтимиз мамлакатимизда гематология ва трансфузиология соҳасидаги етакчи муассаса ҳисобланади. Давлатимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги республикада аҳолига гематологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш ва қон хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармони ҳамда тиббий муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш ва бошқарув тизимини мукамаллаштириш бўйича 2 октябрь 2007 йилги ПҚ-700-сонли «Республика тиббий муассасалар фаолиятини мукамаллаштиришни ташкил этиш чоралари» Қарорини бажариш юзасидан республикада ўтган даврларда кўпгина ишлар амалга оширилди. Айниқса, қон компонентларини тайёрлаш, хавфсизлигини таъминлаш ҳамда сақлаш бўйича назорат кучайтирилиб, аҳолига гематологик ёрдам стандартлари ишлаб чиқилди, ҳар бир тиббиёт муассасасида 2008 йил 1 январдан бошлаб қон билан боғлиқ муолажалар бир мартаба ишлатиладиган тиббий асбоб-ускуналарда амалга оширилмоқда. Беморларга ихтисослаштирилган гематологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш мақсадида институтимиз клиникаси бўлимларининг жойлашуви ва структурасида ўзгаришлар бўлиб, унинг моддий-техник базаси яхшиланиб, бўлимлар капитал таъмирдан чиқарилди. Натижада, беморлар стационар ҳолатда даволашни учун янада яхшироқ шароитларга эга бўлдилар. Дори-дармон ва қон препаратлари билан таъминлаш, диагностика имкониятларининг яхшиланиши ҳамда даволаш ишларида сифат кўрсаткичлари ошди. Жумладан, лейкоз бўлган беморларнинг ремиссияси, яъни умрининг узайишига эришилди. Клиника-

ка мойиллик (тромбофилия), лейкоз ҳамда эритремия касалликларга молекуляр даражада аниқ ташхис ўрнатиш каби усуллар гематология амалиётига татиқ этилган. Булардан ташқари, вирусли гепатит хасталикларининг ҳам ПЦР-ташхис усуллари йўлга қўйилган. Бу молекуляр усуллар (ПЦР ва цитогенетик) ўз навбатида касалликларнинг даволашни самарасини ижобий ўзгартириш билан бирга, айрим ирсий касалликлар, жумладан, ҳомиланинг 8-11 ҳафталигида аниқ ташхис қуйиш имкониятига эга. Бутун Жаҳон Гемофилия Федерацияси ҳамкорлигида институтнинг 2 нафар мутахассиси Оксфорд ва Словакия клиникаларида ўз малакасини



мизда республика миқёсида истиқомат қилаётган ва гематологик касалликларга мансуб бўлган беморлар даволашилади. Улар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси даволаш-профилактика муассасалари томонидан имтиёзли йўллан-

сия, Германия, Япония ҳамда Туркия каби мамлакатларнинг йирик илмий марказларида тажриба орттириб келишган. Институтда республика миқёсида биринчи бўлиб айрим огир ирсий хасталиклар (гемофилия ва Виллебранд), ирсий хасталик-

ошириб қайтди. Гемофилия касаллигига чалинган беморлар 2007 йилда «Меҳр нури» фонди томонидан тўлиқ таъмирлаб берилган гемофилия ва қон яратиш тизими депрессияси марказида даволашишга юборилди. 2004 йилдан бошлаб сурункали миелолейкоз касаллигига чалинган беморларни даволаш бўйича GIPAP халқаро дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур бўйича «Гливек» препаратининг қўлланилиши сурункали миелолейкоз беморларни даволашда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур препарат беморларнинг умрини узайтиришга имкон бермоқда. Ҳозирги кунга келиб республика бўйича 600 нафарга яқин сурункали миелолейкоз касаллигига чалинган беморлар бу дастур орасида «Гливек» препаратини бепул олмақдалар. Институт базасида «Сукцинатол» (инъекция шакли) маҳаллий янги препарати яратилди ва у клиник амалиётга муваффақиятли жорий қилинди. Мазкур препарат-

нинг асосий компоненти, хужайралардаги энергетик алмашувни яхшилаш, ишга лаёқатлилик қобилиятини орттириш, иммунитетни фаоллаштириш ва организмдан токсинли моддаларни чиқариш хусусиятига эга бўлган янтарь кислота-сидир. Таъкидлаш лозимки, Туркиянинг ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги (ТИКА) томонидан инсонпарварлик ёрдами сифатида Гемофозетик ўзак хужайраларини кўчириб ўтказишга ишлатиладиган тиббий асбоблар олинди. Бунинг баробарида, ТИКА ташкилотининг ёрдамида 18 нафар ходим Туркия давлатининг Баяндир, Дишканинг ва Анқара шаҳарлари ҳамда онкология марказларидаги ўзак хужайраларини кўчириб ўтказиш марказларида малакаларини ошириб қайтишди. Президентимизнинг 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ-700-сонли Қарори ижроси бўйича қон хизматини яхшилаш мақсадида Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида алоҳида бинолар ажратилиб, қайта таъмирдан чиқарилди ва улар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг талаблари асосида мувофиқлаштирилди. Шунингдек, Осиё Тараққиёт банки лойиҳаси бўйича «Аҳолини хавфсиз қон билан таъминлаш Дастури» амалга оширилиб, республика қон қуйиш хизмати учун замонавий асбоб-ускуналар ҳамда зарурий хом ашёлар сотиб олинди. Ишлаб чиқарилаётган қон ва унинг компонентлари сифати, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қон қуйиш станциялари замонавий ва юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, улар катта ҳажмда ишлаб чиқаришга эга ҳамда маз-

кур юқори технологиялар вилоятлар аҳолисини қон ва унинг компонентлари билан таъминлай олади. Осиё Тараққиёт банкининг «Аҳолини хавфсиз қон билан таъминлаш дастури» лойиҳаси бўйича республикада қон хизматини босқич-ма-босқич марказлаштириш ишлари амалга оширилмоқда ва жойларда қон тайёрлаш, уни қайта ишлаш ҳамда гемотрансмиссив инфекцияларга текшириш вилоятлар қон қуйиш станцияларида марказлашган ҳолда амалга оширилмоқда. Гематология ва қон қуйиш ИТИ қон қуйиш станциясида пилот лойиҳа тарзида Тошкент вилояти қон хизмати ва 3 та республика муассасалари (ТТанинг 3-клиникаси қон қуйиш станцияси, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти, Акушерлик-гинекология республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази қон қуйиш бўлимлари) томонидан тайёрланган қонни марказлашган ҳолда қайта ишлаш, гемотрансмиссив инфекцияларга текшириш ва тайёр маҳсулот билан даволаш муассасаларини таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Давлатимиз томонидан қон қуйиш станцияларига қонни сайёр гуруҳлар ёрдамида тайёрлаш ва тайёр қон маҳсулотларини даволаш муассасаларига олиб бориш учун автотранспорт воситалари, 18 та «Дамас» автомашинаси ва 2 та «ISUZU» автобуслари сотиб олинди, вилоятларга тарқатилди. Шу кунларда Давлат инвестицион дастури доирасида институт ҳудудида янги, Ўрта Осиё минтақасида ягона тозаланган ҳаво билан таъминланувчи, гематологик беморларга самарали даволашни имкониятини янада оширадиган онкогематология биноси қурилиши олиб борилмоқда. Бу бинода катталар ва болалар учун ҳар бири 40 ўрин-жойдан иборат онкогематология бўлимлари очиш, дунё стандартларига жавоб берадиган, замонавий диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган лаборатория ташкил этиш режалаштирилган.

Азиза МАХМУДОВА,
Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги
Гематология ва қон
қуйиш илмий-текшириш
институтининг илмий
ишлар бўйича директор
ўринбосари.

Фан уфқлари

**СУРУНКАЛИ МИЕЛОЛЕЙКОЗЛИ БЕМОРЛАРНИ
ЦИТОГЕНЕТИК ВА МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИК
УСУЛЛАР ЁРДАМИДА ТЕКШИРИШ**

Маълумки, сурункали миелолейкоз (СМЛ) – бу клонли миелолифолиратив касаллик бўлиб, катталарда умумий лейкозларнинг 20 фоизини ташкил этади. Бу касалликнинг ўзига хос бўлган асосий белгиси гемапоэтик ўзак хужайраларининг 9 ва 22 хромосомалари ўртасида реципрокли транслокация $t(9,22)(q34;q11)$ натижасида аномал (Ph) хромосома юзага келади. Бунда 9-хромосоманинг q елкасининг 34-локусида жойлашган ABL онкогени, 22-хромосоманинг q елкасининг II локусида жойлашган BCR гени бузилади. Реципрокли транслокация сабабли 22-хромосомада ўзгарган ДНК кетма-кетлиги BCR-ABL гени пайдо бўлиб, у қон хужайралари пролиферациясига жавоб берувчи тирозинкиназа ферменти активлигини оширадиган BCR-ABL оксилани синтезлайди. Ph-хромосома СМЛга чалинган беморларнинг 90-95 фоизиди аниқланади.

Ҳозирги вақтда ЖССТ (2002 й.) тавсияси бўйича ҳамма лейкозга чалинган беморларни қуйидаги протокол бўйича текшириш шарт:

- а) клиник-морфологик;
- б) молекуляр-биологик (цитогенетик ва ПЦР);
- в) CD хужайраларни иммунофенотиплаш (проточна цитофлуориметрия).

Бундай алгоритм касаллик вариантлари аниқлашда, генетик маркерларнинг прогностик ҳолатини баҳолаш ва тўғри даволашни танлашда муҳим

аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида беморларнинг рецидивсиз яшашини узайтиради. Шу мақсадни кўзлаб онкогематолог беморларда стандарт цитогенетик ва молекуляр генетик таҳлил усуллари касалликнинг барча босқичларида амалга ошириш ва уни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Материал сифатида клиникада даволанаётган СМЛга чалинган 131 та бемордан олинган периферик қон ва суяк кўмигидан фойдаланилди. Улардан 64 тасида стандарт цитогенетик текширув (40 та периферик қонда 24 та суяк кўмигида) ўтказилди. Молекуляр генетик текширув 75 та беморда амалга оширилди.

Стандарт цитогенетик текширув учун олинган суяк кўмигининг 75 фоизиди аномал Ph-хромосома аниқланди. Химер онкоген BCR-ABL p210 экспрессиясини сифатий баҳолаш мақсадида ўтказилган ПЗР усули ёрдамида 85 фоиз беморларда ушбу химер ген аниқланди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин, бу таҳлиллар ёрдамида аниқ ташхис қўйиш, самарали даволаш ва касаллик кечишини баҳолаш мумкин.

**К. БОБОВ,
Ж. ХЎЖАҲМЕДОВ,
З. ИБРАГИМОВ,
Б. АЛЛАЗАРОВА,
Ўзбекистон**

**Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти.**

Научные изыскания

Одним из важнейших этапов дифференциальной диагностики и факторами прогноза клинического течения лейкозий являются цитогенетический анализ хромосом и исследование химерных онкогенов. В лаборатории медицинской генетики НИИГ и ПК МЗ РУз проводится

работа по оптимизации и внедрению в клиническую практику стандартного цитогенетического метода кариотипирования костного мозга и периферической крови и качественного ПЦР-анализа химерных онкомаркеров различных видов лейкозии.

МОЛЕКУЛЯРНО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЛЕЙКЕМИЙ

Первым этапом данной части работы было проведение исследования по культивированию клеток периферической крови с целью освоения и внедрения стандартного цитогенетического анализа на наличие филаделфийской транслокации у онкогематологических больных, а также других специфических маркеров.

Следующим этапом нашей работы была оптимизация метода тестирования мутаций онкогенов по протоколу «Европейской программы против рака». До настоящего времени нами обследовано 150 больных с диагнозом лейкозия, установленным клинико-морфологическими методами. В результате исследований у 69 больных нам удалось выявить p210 или p190 варианты химерных онкогенов BCR/ABL PML/RARa, что свидетельствует о правильности установленных первичных клинических диагнозов у всех обследованных больных.

Однако необходимо подчеркнуть, что, в условиях длительного курса программной терапии с применением химиотерапии или

при пересадке стволовых клеток, для полноценного проведения мониторинга эффективности и контроля состояния больных в динамике лечения по требованиям ВОЗ, эти используемые у нас методы являются явно недостаточными. Для установления точного диагноза заболевания необходимо обязательное использование высокочувствительных методов – цитогенетической флуоресцентной гибридизации in situ (FISH-анализ) и ПЦР-анализа в реальном времени.

Следующим этапом нашего исследования являлось освоение и внедрение в клиническую практику метода полимеразной цепной реакции (ПЦР) для диагностики лейкозии. В исследование был включен 51 пациент с морфологически и цитохимически установленным в клинике НИИГ и ПК МЗ РУз (г. Ташкент) диагнозом лейкозия. С целью определения экспрессии химерного онкогена PML/RARa в дебюте заболевания костный мозг и/или периферическую кровь больных исследовали методом ПЦР.

Но результатами исследования у 47 (92,2%) пациентов была

получена экспрессия химерного гена PML/RARa. Из них транскрипт bcr1 выявлен у 17 (36,2%) пациентов, bcr3 – у 27 (57,4%) и bcr2 диагностирован у 3 (6,4%) больных. По данным Sanz M.et. all. (2004) и Redner R I. Et all. (2006), у больных лейкозией, чаще (52-84%), выявляется bcr1 вариант транскрипта. Однако, Guglielmi S.et. all. (1998) на основании исследования 196 больных, отмечает преобладание bcr3 варианта над bcr1 (56,5% против 43,5%, соответственно) у детей с лейкозией.

Таким образом, выбранные нами методики молекулярно-биологических методов обследования лейкозии, т.е. выявление изменения структуры хромосом и детекции химерных онкогенов, имеют высокую чувствительность. На основании полученных данных в дальнейшем нам удастся прогнозировать течение заболевания, выбрать соответствующую программу лечения больных лейкозией и снизить возможность появления рецидивов.


**Г. МУХИТДИНОВА,
НИИ гематологии и переливания крови.**

Истеъдод

ОРЗУЛАРИНГ УШАЛСИН, ФЕРУЗА!

Этироф этиш жоизки, Юртбошимиз раҳнамолигида ёшлар учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилаётганлиги боис, кўплаб талабалар орасида ўз иқтидорига эга бўлган йигит ва қизлар аъло баҳоларга ўқиш билан бир қаторда, махсус ташкил қилинган стипендияларга номзод бўлаётганлиги, албатта, фахрланарли ҳолдир. Ана шундай иқтидорли талабалардан бири Феруза Жалилова Тошкент фармацевтика институти Саноат фармацияси факультети, космецевтика йўналиши 3-босқич 2/1-гурӯҳида таҳсил олмоқда.

Феруза Жалилова 2009-2010 ўқув йилида Тошкент фармацевтика институти Саноат фармацияси факультети, космецевтика йўналишига ўқишга қабул қилинди. У аъло ўқиши, илмий ишларга қизиқувчанлиги, дарс жараёнларида фаол қатнашиши ва ўзига юклатилган ҳар бир вазифага катта масъулият билан ёндошади, олдида қўйган мақсадларига эришиш учун тинмай изланади ва интилади. Феруза 1-босқичга қабул қилинган кундан бошлаб, бутун куч гайратини аъло ва намунали ўқишга, институт ички тартиб низомларига қатъий риоя қилиб, интизомли бўлишга ва шу билан бир қаторда, латин, инглиз ва рус тиллари бўйича мукамал билим олишга киришди. У бунинг баробарида компьютер саводхонлиги бўйича мукамал билимга эга. Замонавий телекоммуникация интернет тармоғидаги космецевтика ва фармацевтика соҳасига оид маълумотларга жуда қизиқади ва ўқиш фаолиятида улардан унумли фойдаланади ҳамда “ZiyoNet” ахборот таълим тармоғида ўзининг www.kosmetsevt.zn.uz сайти-



лаш учун фитокосметик лосьон технологияси” мавзусида ҳамда Токсикологик кимё кафедраси мудири, профессор М. Тожиев раҳбарлигида “Трамадол дори во-

ни яратиб, унда космецевтика ва фармацевтика соҳасидаги турли қизиқарли маълумотлар ва янгиликларни ёритмоқда. Феруза талабалар илмий жамияти аъзоси бўлиб, Тошкент фармацевтика институти илмий бўлим бошлиғи, доцент Н. Файзуллаева раҳбарлигида “Соч себореясини даво-

ситасини биологик объектлар таркибидан ажратиб олиш ва таҳлил усулларини ўрганиш” мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Иқтидорли талаба Феруза Жалилова амалий анжуман ва конференцияларда ўзининг илмий ишлари ҳамда мақолалари билан иштирок этиб келмоқда. Ҳозирда унинг олиб борган илмий ишлари натижасида 18 та мақола ва тезислар чоп қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган Талабалар илмий жамиятининг 68-илмий анжуманида фаол иштироки учун фахрий ёрлиқ ҳамда жорий йилда институтда ўтказилган “Зулфия-хоним қизлари” кўрик-танловининг ғолиби бўлиб, диплом билан тақдирланди. Шунингдек, изланувчан талаба ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ёшларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишлари учун Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг фахрий ёрлиғи ҳамда мазкур йилда Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази томонидан таъсис этилган “Профессор Манон Азизович Азизов” номли стипендия соҳибаси бўлди. Феруза аъло ўқиш билан бир қаторда,



Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг “Фаол қизлар” клуби аъзоси, шунингдек, институтда “Лидер қизлар” клуби раҳбари. У ўтган йили “Шахмат” бўйича ўтказилган спорт мусобақасида “II даражали” диплом ҳамда “Унверсиада – 2010” мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичида институт жамоасида “Шахмат” йўналишида иштирок этиб, “I даражали” диплом билан тақдирланди.

Ўз ўрнида биз ҳам интилувчан ва иқтидорли талаба Феруза Жалилованинг бундан кейинги ўқиш ва илмий салоҳият сари олиб бораётган ишларига омадлар тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА.

Огоҳлик

ОДАМ САВДОСИ: ЖИНОЯТЛАР МАНБАДИР

Қинғир йўл билан бойлик орттириш истаги одамзотни ҳамиша ҳалокат ва тубанлик гирдобига етаклаган. Гиёҳвандлик моддалари, қурол-яроғ билан ноқонуний савдолар, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш, ўғрилик, фирибгарлик, фоҳишабозлик каби жиноятлар замирида, шубҳасиз, енгил ва осон даромад топиш мақсади ётади. Бугунги кунга келиб, ана шу ашаддий оғир жиноятлар рўйхатидан «Одам савдоси» каби ўта мудҳиш жиноят ўрин эгаллади.

Ер юзидаги ҳеч бир давлат қонунлари ва ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар одам савдосига йўл қўймайди. Бироқ, кейинги 10-15 йилликда жаҳондаги бир қатор давлатларда бўлгани каби, бизнинг мамлакатимизда ҳам одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар пайдо бўла бошлади. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари оқибатида ноқонуний тарзда чет давлатларга бориб ишлаш ва мўлмай даромад топишни орзу қилган айрим фуқароларимиз, энг ачинарлиси бу орада аёллар ва болалар ҳам «Замонавий куллик» гирдобига тушиб қолмоқдалар.

Одам савдоси – инсонларни куч ишлатиш таҳдиди ёки мажбуриятнинг бошқа шакллари ни қўллаш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш, вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш ёхуд бошқа шахс назорат қилаётган кишининг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш киради. Шунингдек, одамлардан фойдаланиш, бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан пул ишлаш ёки улардан шахвоний нафс йўлида ишлатишнинг бошқа шакллари ни, мажбурий меҳнат ёки хизматлари ни, куллик ёки кулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималари ни ажратиб олишни англатади. Содда қилиб айтганда, одам савдоси уюшган жиноятчиликка асосланган йирик халқаро бизнесдир.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур аниқлаган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида республикамизда бундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Яъни, одам савдоси жиноятларига барҳам берувчи норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Давлатимиз одамларнинг яширин тарафига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди.

Мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчиликнинг (шу жумладан, одам савдоси) хавфли кўринишларига қарши кураш ҳақида 29 та шартнома ва келишувлар имзоланган. 2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоялашда муҳим босқич бўлди. Мамлакатимиз Президентининг 2008 йилнинг 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

билан юқоридаги қонун нормалари амалга татбиқ этилди. Одам савдосига қарши курашишда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш, фуқароларни бу борадаги вазиятдан огоҳ этиш ҳамда хабардорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Сурхондарё вилояти Денов туманида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, матбуот орқали тарғиботни кучайтириш каби муҳим чора-тадбирлар юзасидан бир қатор вазифалар белгиланиб, амалий ишлар қилинмоқда.

Денов тумани тиббиёт бирлашмаси ва унинг тасарруфидаси даволаш-профилактика муассасалари, айниқса туман «Саломатлик маркази» ходимлари томонидан «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-911-сонли «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Мазкур қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасининг буйруғи қабул қилиниб, ушбу буйруқ асосида 8 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, бу борадаги ишлар таҳлил қилиб борилмоқда. Денов тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида «Чет элда бўлиб одам савдосидан жабрланганларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш хонаси» ташкил этилган. Бу хонада чет элда бўлиб келган фуқароларни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш учун шароит яратилган. Баннерлар ташкил этилган, плакатлар чиқарилган, буклетлар билан таъминланган.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича тумандаги даволаш-профилактика муассасаларида одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасидаги аҳоли орасида тушунтириш ва тарғибот ишларини ташкиллаштириш мақсадида 2011 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва режа асосида иш олиб борилмоқда. Туман ички ишлар бошқармасидан хорижда бўлиб қайтган ва одам савдосида жабрланганлар рўйхати ойма-ой сўровнома орқали олинмоқда. Тумандаги барча қишлоқ врачлик пунктларида маҳаллалар фуқароларини жалб этган ҳолда ташкил этилган «Давра суҳбатлари», маърузалар ва суҳбатлар чоғида фуқароларнинг айниқса, ёшлар ва аёлларнинг одам савдоси қурбонига айланиб жабрланиши мумкинлиги ва унинг салбий оқибатларининг олдини олиш борасида тарбиявий-ахлоқий мавзуларида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида кўргазмали қуроллардан, плакатлардан ва бук-

летлардан фойдаланилмоқда. Денов туман тиббиёт бирлашмасига қарашли даволаш-профилактика муассасаларида ишлаётган тиббиёт ходимларини юқорида таъкидлаб ўтилган Қарор ҳужжатлари билан таништириш ва уларнинг ҳуқуқлари тўғрисида маълумотлар бериш мақсадида режа асосида семинар-машуғулотлар ташкил этилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йил давомида тумандаги барча ҚВГлар томонидан маҳалла раислари ва маслаҳатчилари иштирокида чет давлатларига бориб келган фуқароларнинг рўйхати тузилди ва улар тиббий куриқдан ўтказилди. Тиббий кўриқ давомида турли хил касалликлар аниқланган ва улар даволаш учун диспансер ҳисобига олиниб, соғломлаштириш режаси тузилди ва соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Хориж давлатларидан қайтган фуқароларнинг 546 нафари ОИВ/ОИТС касаллигига текшириш учун тест қилиниб, суҳбат ўтказилди ва улардан қон намуналари олинди ҳамда туман ОИТС лабораториясида текширилди. Текшириш натижасида ОИВ/ОИТС касаллиги аниқланмади. Яна шунини таъкидлаш ўринлики, айрим маҳалла ва ҚВГларда одам савдосига қарши курашиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Айниқса, «Боботоғ», «Наврўз», «Янгибоғ» каби қишлоқ врачлик пунктларида тарғибот ишлари ҳамда тиббий кўриқлар режага мувофиқ тарзда олиб борилмаяпти. Шунингдек, маҳалла маслаҳатчилари билан биргаликда хотин-қизлар ўртасида одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонуннинг моҳияти, фирибгарлар тузоғига тушмаслик, одам савдоси билан жабрланганларга тиббий, психологик ёрдам кўрсатиш, узоқ муддат хориж давлатларида бўлиб келганларни тиббий-профилактик текширишлардан ўтказиш ҳамда жабрланганлар соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида ишчи гуруҳи ташкил этилганлиги ҳақида тушунтирилди. Фуқаролар орасида одам савдосидан жабрланганлар тўғрисида керакли маълумотларни етказиш мақсадида 414-91-66 рақамли «Ишонч телефони» ишлаб турибди. Бу ҳақда аҳоли ҳамда мутаассадди раҳбарларга керакли маълумотлар берилди.

«Саломатлик маркази» ва туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари билан биргаликда аҳоли орасида одам савдосига қарши курашиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш мақсадида ўқув муассасалари (мактаблар, академик лицей, касб-хунар коллежлари)да ва маҳалла фуқаролар йиғинларида давра суҳбатлари, маърузалар ўтказилди. Тумандаги «Бободоғ» бозори, «Гулзор» тижорат бозори ва «Шоҳбекат» радиоузелидан 32 марта «Одам савдосига қарши курашиш» мавзусида радио суҳбат ўтказилди. Тумандаги «Чағонийён» газетасида шу масалада мақолалар чоп этилди.

Маҳаллаларга бириктирилган патронаж ҳамшира ҳамда тиббиёт ходимларига хонадонларга борганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг моҳияти, фирибгарлар тузоғига или-

ниб қолмасликни, чет элдан келганларни тиббий кўриқдан ўтказиш, жабрланганлар ҳақида «Ишонч телефон»лари орқали хабар бериш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш таъинланди. Аҳоли ўртасида одам савдосининг салбий оқибатлари тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш давом этмоқда.

Юқоридаги фикрларимизнинг ифодаси сифатида одам савдоси қурбонига айланиб, жабрланган кимсаларнинг ҳаётидан мисоллар келтиришни жоиз топдик.

Анвар исмли йигит ўтган йилнинг 22 апрелида 27-25 ёшли Зумрад ва Зухра исмли аёлларни:

– Москвада Содик деган дўстим бор. Магазинида сотувчилик қиласизлар. Ойига 400-500 доллардан ҳақ беради. Жой ва овқат бепул, – деб ўзи олиб кетади.

Аммо, Москвага боргач уларни Содикқа 400 долларга сотиб юборади. У аёллардан маълум вақт фойдаланиб, кейин яна бошқа бировга 400 долларга пуллайтиди. Хуллас, иккала аёл ҳам кўп азоблар тартиб, ниҳоят, ватандошларидан қарз олиб, зўрға ўз юртига қайтадилар. Энди улар тери-таносил касалликлари диспансерида узоқ вақт даволанишга мажбур. Ёки бошқа бир мисол. Ҳайдар деган йигит 2009 йилнинг март ойида Узун туманида истиқомат қилувчи 12 нафар ёшларни тузоғига илтиради.

– Сизларни ишга жойлаштираман. Ойига 500-600 доллардан ҳақ оласизлар. Овқат ва ётоқ бепул, – деб алдаб, уларни Қозғистоннинг Чимкент шаҳрига олиб боради. Ҳар бирини Серкабой исмли қозоқ йигитга 200 доллардан сотиб, сўнг ўзи Россияга қараб жуфтанини эгасига топшириб, ўзи ғойиб бўлади. Йигитлар жуда оғир аҳволда яшайдилар ва ишлайдилар. Овқатлари бе-маза. Ётоқлари – зах омборхона. Кийим-бош бир аҳволда. Ниҳоят, 2010 йилнинг декабрида улардан икки нафари иш жойидан қочади. Ўзбекистон чегарасига фақат кечаси икки ҳафта пиёда юриб, абгор аҳволда қайтишади ва тиббий кўриқдан ўтказилганда ўпка сили касаллигига чалинганликлари маълум бўлди.

Хурматли ватандошлар, азиз ёшлар!

Хорижий мамлакатларга бориб ишлаш истаги бўлса, албатта Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги орқали қонуний равишда ҳужжатларингизни расмийлаштириб чет элларга ишга боришни унутманг!

И. ХУДОЙНАЗАРОВ,
Сурхондарё вилояти
Денов тумани
«Саломатлик маркази» директори.
Н. ОРИПОВ,
Денов туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси бош врач.

Ижтимоий ҳимоя

Юртимизда инсон омилига қаратилган юксак эътибор туфайли ҳар бир шахснинг бахтли ҳаёт кечирishi учун барча қулайликлар муҳайё этилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, уларнинг малакали тиббий ёрдам олиши, меҳнатга лаёқатсизлигини экспертизалаш масалалари ўз ифодасини топган.

ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР

Бизнинг Денов туманлараро ТМЭК жамоаси айнан шу қонун асосида турли сабабларга кўра ўз соғлигини йўқотган инсонларни яна меҳнат фаолиятига қайтариш, вақтинча ёки турғун меҳнатга лаёқатсизлигини тиклаш, қолаверса, ногиронлиқнинг олдини олиш ва уларни ногирон деб топиш борасида кенг қамровли профилактика ишларини олиб боришмоқда.

Комиссия шифокорлари касаллик тури ва асоратларини ўрганишга, шунингдек, даволанишдан сўнгги натижаларга катта эътибор бермоқдалар. Реабилитация даражаси юқори бўлган кишиларга малакали ижтимоий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда.

Агар ўтган йилнинг тўққиз ойлик натижалари билан жорий йилнинг шу вақтига қадар олиб борилган ишларни солиштирсак, самарали натижаларга эришганлигимиз яққол намоён бўлади. Хусусан, бирламчи кўриқдан ўтганлар 12,6 фоизга, қайта кўриқдан ўтганлар 44,8 фоизга камайди. Бирламчи ногиронлик 23,1 фоизга, қайта ногиронлик 35,8 фоизга пасайди. ТМЭК билан туманлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ютуқларимиз омили бўлмоқда, дейиш мумкин. Бугунгача улар кўмагида олти нафар ногирон ишга жойлаштирилди.

Қисқасини айтганда, биз келгусида бемор ва ногиронларни даволашга ва умуман, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиб, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари ижросини тўла таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

Акрон МИРЗАЕВ,
Сурхондарё вилояти
Денов туманлараро
66-сонли ТМЭК раиси.

Хурматли муштарийлар!

Агар Сиз обуна бўлган худудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, тахририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:

(8371) 233-13-22,
233-57-73.

Унутмангки, биз Сизнинг ҳуқуқ ва манфаатларингиз йўлида хизмат қилишга тайёрмиз.

Ёш оналарга маслаҳатлар

ЧАҚАЛОҚНИ ҚАНДАЙ ПАРВАРИШЛАШ КЕРАК?

Бола бамисоли гул, уни чанг-ғуборлардан авайлаб парваришлай, овқатлантиришдан ухлатишгача, тўғри нафас олишидан таглиги куруқ бўлишидан, терисини куруқ ва соғлом сақлаш, йиғлашининг сабаби, уйқуси безовталигию эмган сути нега ҳазм бўлмаслиги, ҳамма-ҳаммасига она эътибор бериши, билмаса шифокорга мурожаат қилиши керак. Айниқса, ёш оналар, биринчи фарзанд кўрган аёллар бундай маслаҳатлар ва тиббиёт ходимлари ёрдамига кўпроқ эҳтиёж сезадилар.

Сиз чақалоғингизни
биринчи марта
кўрдингиз

Сиз гўдагингиз териси кўча бошлаганини пайқаб қолдингиз ва безовта бўла бошладингиз? Тери кўчиши – бу оддий жараён, чунки гўдак териси ҳомиладорлик пайтидагидек, она организми ҳимоясида эмас, балки очик ҳавога кўника бошлаган бўлади. Дастлабки бир неча кун мобайнида тирсак, тизза ва тўпиқ соҳасидаги тери ҳатто ёрилиши ҳам мумкин. Шунингдек, Сиз гўдак терисида кийими ва таглиги қолдирган пушти доғлар ва белгиларни пайқаб қоласиз. Совуқ ҳавонинг таъсирида терида куруқ қизаришлар пайдо бўлиши мумкин. Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси гўдагингиз организмидан ташқари шартли кўникашида табиийдир.

Терини намлаб туринг

Гўдагингиз терисини соғлом сақлаб туриш учун унинг табиий юмшоқлиги ва таранглиги эътибор беришингиз лозим. Бунинг учун таркибида спирт бўлмаган болалар салфеткалари, ҳидсиз юмшоқ лосон ва кремлардан фойдаланинг. Спирт ёки турли хушбўй қўшимчалар гўдак терисини куриштириши, ҳатто тошмалар тошириши мумкин. Болаларнинг косметолог воситаларини эҳтиёт бўлиб, фақат гўдак танасининг алоҳида жойларига ишлов бериш учун ишлатинг. Лосонни гўдакнинг юзи ва терисига суртманг. Сизга ва гўдагингизга бир хил намлантирувчи воситалардан

фойдаланган маъқул. Булардан ташқари, гўдак янгисига қайтадан кўникаслиги учун бир хил махсулотлардан фойдаланинг.

Тирноқларини
олиб туринг

Гўдагингизнинг тирноқлари нозик ва ўткир бўлиб, жуда ҳам тез ўсади, шунинг учун ҳам уларни мунтазам равишда, ҳафтасига бир марта олиб туриш керак. Бунинг учун болалар қайчиси ёки юмшоқ аррача ишлатинг ва гўдак тирноғини у ухлаётган вақтда олишга ҳаракат қилинг. Қўққисдан терини шикастлаб қўймастик учун бармоқ ёстиқчасини тирноқдан орқага тортиб туринг. Оёқ тирноқлари секинроқ ўсади, шунинг учун уларни ойига бир ёки икки марта олиш kiffoя.

Куёш нурларидан
ҳимоя қилинг

Тик куёш нурлари гўдагингиз терисига салбий таъсир кўрсатиб, унинг соғлиги билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Куёш тиккага келганда гўдак сояда бўлишига ёки бошқа хонага олиб чиқишга ҳаракат қилинг. Аравача устидаги соябон қалпоқча, узун енгли кўйлак ва иштончалар гўдагингизни куёш нурларидан яхши ҳимоя қилади.

Ўраб-чирмаманг

Гўдагингизга қулай ва иссиқ бўлиши учун у Сизга нисбатан бир қават кўпроқ кийим кийиши лозим. Бу демак, ёзининг энг иссиқ вақтларини мустасно қилганда, гўдакнинг устида майкача,

таглик, пижама бўлгани kiffoя. Фарзандингиз кийимнинг қулай эканлигини текшириб кўриш учун унинг қўл ва оёқларини ушлаб кўринг. Агар уларнинг териси совуқ бўлса яна бир қават кийим кийдиригиз, мабодо иссиқ бўлса кийимини камайтинг.

Тўғри чўмилтиринг

Биринчи чўмилтиришларингиз безовталиқ, қийинчилик билан ўтиши ва фарзандингиз йиғлаши мумкин. Лекин улар бун-

рини юваётган пайтингизда, ахлат қолдиқлари билан ифлослантирмаслик учун орқа томонга қараб ювинг. Бошдаги табиий ёғлар туфайли сочлар ёпишқоқ бўлиши мумкин. Шунинг учун бошини ювишда гўдак кўзини ачитмайдиغان болалар шампунини ишлатинг. Гўдак совунли сувда ўтирмаслиги учун унинг бошини чўмилишнинг охирида ювинг. Гўдак юзи ва қўлларига совун суртманг. Чўмилиб бўлгандан сўнг, совун қолмаслиги учун танасини тоза сувга чайинг ва оҳиста артиб олинг.

Гўдак терисини тоза
ва куруқ ҳолда
сақланг

Гўдагингиз ичи келганда илиқ сувда, юмшоқ совун билан, терида бактериялар қолмаслиги учун, тозалаб ювиб ташланг. Ювиб бўлгандан сўнг терини куруқ қилиб артиб олинг. Агар, у фақат сийган бўлса, унда илиқ сувга чайиб, пахта ёки ҳидсиз, таркибида спирт бўлмаган болалар салфеткаси билан артишингиз kiffoя. Терини ҳимоя қилиш учун таглик остидаги терига вазелин суртишингиз мумкин.

Нима учун тўсадан гўдак
орқасининг териси қизариб
қолади?

Деярли барча гўдакларда эртаими-кеч орқаси ва сонларининг териси қизариши кузатилади. Буни даволашнинг энг яхши усули қизариш сабабини билиш ва бошқа бунга йўл қўймастикдир. Таглик дерматитининг сабаби куйидагилардир: намлик туфайли терининг заифлашуви, энзимлар, яъни ахлат таркибидаги овқат ферментларининг таъсири, ахлат ва сийдик аралашувидаги аммиак таъсири.

Гўдакка қандай ёрдам
бериш мумкин?

Энг аввало уни тўғри кийинтириш керак. Бу ҳосил бўлган

қизаришларни йўқотишга ва янгиларининг олдини олишга ёрдам беради. Тагликларни тез-тез алмаштиришнинг муҳим аҳамияти куйидагилардир: намлик тери қаршилигини камайтириб, сезувчан қилиб қўяди, ахлат ва сийдик қанча кўп терига таъсир этса, энзимлар уни шунчалик кўп шикастлайди, тагликлар сийдикни теридан шимиб олиб, уни ахлат билан аралашувида йўл қўймайди.

Тагликларни
алмаштираётиб:

гўдак орқасини юмшоқ совун билан ювиб қўйинг, сув билан чайинг, салфетка билан куруқ қилиб артинг, даволовчи крем суртиб қўйинг, одатда, тўғри парвариш қилинганда, йўргак дерматити 1-2 кунда ўтиб кетади.

Педиатрга куйидаги ҳолларда мурожаат этинг: қизариш жуда кучли бўлса, бир неча кунлар мобайнида ўтиб кетмаса. Бундай ҳолларда гўдакда замбуруғли дерматит (молочница) бўлиши мумкин ва уни махсус даволаш талаб этилади. Замбуруғли дерматитлар, одатда бактерияларни ўлдирувчи антибиотиклар қабул қилингандан сўнг бошланганини эсдан чиқарманг.

Нима учун гўдагининг
териси ҳамма вақт
қизариб туради?

Қизариш сабаби кир ювиш кукунда бўлиши мумкин. Шунинг учун махсус, болалар учун чиқарилган кир ювиш совуни ёки кукундан фойдаланинг. Гўдак буюмлари, ич кийимлари ва сочқларини бошқа кирлардан алоҳида ювинг. Гўдагингизни тез-тез қўлингизга олишингиз сабабли унга жун матодан бўлган кийим кийдирманг, бундай кийимни ўзингиз ҳам киймай туринг.

«Ёш оналарга»
китобидан олинди.

Специалист предупреждает

ПРОФИЛАКТИКА ВИРУСНОГО ГЕПАТИТА А

Для каждого инфекционного заболевания характерна сезонность. Для вирусного гепатита А – осенне-зимняя. Многолетний анализ ГА показывает, что начало подъема заболеваемости в Ташкенте начинается со второй половины августа, достигая пика в ноябре-декабре. В связи с этим накануне очередного сезонного подъема хочется еще раз напомнить меры профилактики, чтобы уберечься от заражения вирусным гепатитом А (ВГА).

Вирусный гепатит А – острое инфекционное заболевание, протекающее с преимущественным поражением печени. Возбудитель ГА – вирус, который относится к кишечной группе вирусов-энтеровирус. Он устойчив во внешней среде. При температуре + 4°C сохраняется в течение нескольких месяцев, при низких температурах – 20°C и ниже – несколько недель. При кипячении вирус погибает через 45 минут.

Источником инфекции ГА является только больной человек. От больного вирус выделяется в основном испражнениями, меньше – с мочой.

В организм здорового человека вирус заносится гряз-

ными руками или при употреблении продуктов, овощей, фруктов, на которые был нанесен вирус. Заражение может произойти при купании в водоемах, загрязненных хозяйственно-фекальными стоками.

После попадания вируса в организм здорового человека проходит скрытый, так называемый, инкубационный период, который при ГА длится от 14 до 35 дней. Затем начинается проявление болезни: повышается температура, появляется головная боль, снижается аппетит, наблюдаются вялость, тошнота, рвота. У большинства заболевших отмечаются катаральные явления, покраснение зева. Моча темнеет, приобретает цвет пива, фекалии же на-

оборот светлеют.

Гепатит А может протекать в желтушной форме, т.е. с появлением желтушного окрашивания слизистых глаз, кожных покровов. Но могут быть, чаще у детей, и безжелтушные формы. При той и другой форме заболевания прежде всего поражается печень, что проявляется ощущением тяжести в правом подреберье, увеличением печени.

Вирус гепатита А начинает выделяться с испражнениями больного значительно раньше, чем появляется желтуха, то есть в преджелтушном периоде. Именно в этом периоде болезни заболевшие являются наиболее опасными для окружающих в смысле заражения их. С появлением желтушного окрашивания склер, кожных покровов выделение вируса резко уменьшается и заразительность снижается.

Еще более опасны больные безжелтушной формой, так как у них отсутствует основной дифференциальный признак болезни – желтуха, но выделение ви-

руса продолжается.

Нужно знать и помнить, что любой формой ГА является источником заражения для окружающих.

После перенесенного заболевания остается стойкий, пожизненный иммунитет.

Меры профилактики ГА, как и других кишечных инфекций, просты и доступны каждому. Но чтобы уберечь себя от заражения следует их тщательно выполнять.

Это прежде всего строгое выполнение правил личной гигиены. И ничего нет предосудительного, если вы потребуете мыть руки перед едой, после посещения туалета, при возвращении с базара, прогулки, работы и т.п.

Овощи, ягоды, фрукты, зелень следует мыть под сильной струей водопроводной воды. Предназначенные для детей или для приготовления сока необходимо ошпарить кипятком.

Употреблять для питья и мытья посуды только водопроводную воду, детям – лучше кипяченую.

Не купаться в водоемах не предназначенных для этой цели.

Не загрязнять, особенно бытовым мусором, берега рек, каналов.

Содержать в чистоте помещения, где находятся люди: дома, на работе, в школе, ДДУ, объектах общественного питания, торговли, коммунальных, промышленных предприятиях и т.п.

Систематически убирать мусор, мусоросборники содержать на специальных бетонированных площадках, закрытыми крышками.

Не допускать залета мух в помещение.

На сегодняшний день самым эффективным методом профилактики вирусных гепатитов является вакцинация. Прививки против гепатита А проводятся в центрах вакцинации.

Ф. ХАЛМУХАМЕДОВА,
зав. эпидемиологическим
отделом
ЦГСЭН г. Ташкента.

Шифобахш неъматлар

БЕХИНИНГ
ТИББИЙ
ХОСИЯТЛАРИ

Юртимизда шифобахш неъматлар кўплигидан уларнинг саногига етиш қийин. Фахрланса арзийдики, ҳар бир мевамининг мавсумийлиги, унинг дориворлиги нафақат Ўзбекистонимиз, балки хорижий давлатларда ҳам машҳур. Айниқса, доривор меваларимиз орасида куз фаслида пшадиган беҳининг алоҳида ўрни бор. Нега десангиз, тиббиёт нуқтаи назаридан олиб қараганда, беҳининг таркибида олма, узум, лимон кислоталари, 12-13 фоиз қанд, левтин, эфир мойи, ошловчи моддалар, қонни кўпайтирувчи темир, мис, суяк тўқималарини мустаҳкамловчи кальций, гликозид, амилаза бўлгани учун ҳам халқ табобатида беҳининг шарбати билан астма, юрак касаллиги, сариқ, ҳиқичоқ, қорин оғриги, ичкетар, кам-



қонлик, жигар, йўтал, медаларни даволашда қўлланилади. Шунингдек, қадимда беҳи уруғига узум шарбатини қўшиб қайнатмасидан қон тупуриш, бавосил, нафас йўллари ва камқонликни даволашда самарали фойдаланилган.

Айниқса, беҳили мураббо, компот, шунигдек, унинг ўзига хос тотли шарбати қиш мавсумида вақти-вақти билан истеъмол қилинса, шубҳасиз, ўнлаб касалликлардан ҳоли бўласиз.

Турсунхўжа
АЗЛАРХОНОВ.

Хурматли
муштарийлар!

Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, тахририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.



Каждый день постигая новое, мы готовим себя к вступлению во взрослую жизнь.

Билиб қўйган яхши

ТОЗАЛИК –
САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Гигиена қоидаларига риоя қилиш орқали оилангизни кўпгина касалликлардан ҳимоя қилишингиз ҳамда уларнинг олдини олишингиз мумкин.

ТОЗА ҚўЛЛАР САЛОМАТЛИК
УЧУН МУҲИМДИР

Қўлларингизни тез-тез совунлаб ювиб турсангиз, микроблардан ҳоли бўлиб, касал бўлишдан сақланишингиз мумкин. Ўзингиз ёки болаларингизнинг қўллари кир бўлганида, уларни ювишингиз муҳим аҳамиятга эгадир, айниқса қуйидаги ҳолларда: овқат тайёрлашдан, овқат ейиш ёки болани овқатлантиришдан олдин ва ҳожатдан сўнг.

Ҳеч қачон водопровод, ариқ ёки дарёдан тўғридан-тўғри сув ичманг, бундай сувда микроблар жуда кўп бўлади. Сувни ичишдан олдин, ҳар доим, ундаги микробларни ўлдириш учун сувни 15-20 дақиқа давомида қайнатинг. Қайнатилмаган сувни ичиш соғлиқ учун хавфлидир.

ТОЗА ВА ЯНГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ
САЛОМАТЛИК УЧУН МУҲИМДИР

Озиқ-овқатни музлаткичда сақлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, озиқ-овқат устани ёпиш ва пашшалардан ҳимоя қилиш лозим. Пашшалар бир жойдан бошқа жойга учиб, ҳар хил ифлос нарсаларни ташиш орқали жуда кўп хавфли касалликларни тарқатадилар. Унинг натижасида турли юқумли касалликлар юзага келиши табиий. Айниқса, бундай пайтларда ёш болаларда ичкетар ҳолатлари кўп кузатилади.

Барча мева ва сабзавотларни тоза, қайнатилган сувда ювилган ҳолда истеъмол қилинг. Гўштни яхшилаб пишинг. Яхши пиширил-

маган гўшт, балиқ ёки парранда гўштини ейиш соғлиқ учун зарарлидир, бу сизни қаттиқ касал қилиши мумкин. Гўшда чала пишган ёки қонли жойлари бўлмадлиги лозим. Озиқ-овқатларни ит ва мушук каби уй ҳайвонларидан узоқроқда сақланг.

УЙНИ ТОЗА ТУТИШ САЛОМАТЛИК
УЧУН МУҲИМДИР

Болаларингизни ҳожатхона ёки болалар горшогидан фойдаланишга ўргатинг. Уйингизда пашша, суварак, сичқон, каламуш ва бошқа зараркуналларнинг тарқалишига йўл қўйманг, чунки улар касаллик тарқатадилар. Сичқон ва каламушлар эса, таналарида одамларга юқиши мумкин бўлган касалликларни ташийдилар. Озиқ-овқатларингиз устани яхшилаб ёпиб қўйсангиз, уларни бундай зараркуналлардан ҳимоя қилган бўласиз.

Ёдингизда тутинг, қуйидаги қоидаларга риоя қилсангиз, оилангизни касалликлардан ҳимоя қилган бўласиз:

- қўлларингизни тез-тез совунлаб ювиб туринг;
- сувни ичишдан олдин 15-20 дақиқа давомида қайнатинг;
- мева ва сабзавотларни истеъмол қилишдан олдин ювинг;
- қолган овқатларни музлаткичда, усти ёпиқ ҳолда сақланг.

Агар юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда уларга ўз вақтида амал қилсак, оиламиз, қолаверса, келажагимиз бўлган болаларимиз саломатлигини сақлашда ва касалликларнинг олдини олишда ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Бу албатта, ҳар биримизнинг олдимизда турган асосий вазифаларимиздан бири эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Раъно ҲАСАНОВА тайёрлади.

ЭЪЛОН

2012 йил 28 апрель куни соат 10.00 да Тошкент тиббиёт академияси (эски ТошМИ) мажлислар залида институтнинг даволаш факультетини 1972 йилда тугатган шифокорларнинг 40 йиллик аънавий, тарихий учрашуви ўтказилади. Мазкур учрашудан ҳеч ким четда ва эътиборсиз қолмаслиги учун ўзингиз билган барча ҳамкасб дўстларимизга хабар беришингизни сўраймиз.

Мурожаат учун қуйидаги манзил ва телефон рақамларини маълум қиламиз: 100060, Тошкент шаҳри, Нукус 1-тор кўчаси, 14-уй. (8371) 255-23-50, (+99897) 441-81-82, 449-00-89. Адҳам Шавкатович Воисов.

Садо беринг, қайдасиз,
Азиз ҳамкасб, курсдошлар?
Эсон-омон бормисиз,
Жонажон дўст, сафдошлар?

Дийдорлашув онларин
Кутамиз зор-интизор!
Бизга шу дам ғанимат,
Бундан зиёд не даркор?!

Полезные
советыОМОЛОЖЕНИЕ КОЖИ
ЛИЦА

Придать коже упругость поможет капустно-дрожжевая маска. Возьмите 30 г. свежих дрожжей, мелко нарежьте. Смешайте с несколькими каплями подогретого меда. Добавьте 1 ч. ложку капустного сока и несколько капель оливкового масла. Все хорошо разотрите. Наложите маску на лицо и шею на 20 минут. Смойте сначала теплой, а потом холодной водой.

ОТЕЧНОСТЬ ПОД
ГЛАЗАМИ

Два пакетика чая опустите в кипяток, а затем поместите в морозильную камеру. Полежите 20 минут с охлажденными пакетиками под глазами, при этом ноги положите на небольшую подушечку. Мешки под глазами уменьшатся.

ОТЕЧНОСТЬ ВЕК

Корень петрушки натрите на мелкой терке, заверните кашицу в марлевую салфетку, сложенную в два слоя, и положите на веки на 10-15 минут. После процедуры нанесите на веки увлажняющий крем.

УГРИ

При угревой сыпи на лице хорошо очищает кожу маска из айвы. Сочную спелую айву натрите на мелкой терке, кашицу наложите на лицо на 15 минут. Смойте теплой водой.

Дерматологи при этом каждом заболевании советуют включать в пищевой рацион орехи и семечки. Эти продукты питания благотворно действуют на состояние кожи благодаря содержащемуся в них цинку (оказывает антисептическое действие, способствует выработке коллагена), а также жирным кислотам и витаминам (увлажняют и очищают кожу).

ПОДОШВЕННЫЕ
БОРОДАВКИ

Кашицу из натертого сырого картофеля положите на вошеную бумагу и прибинтуйте на ночь к пораженному месту ступни. Процедуру повторите 4-5 раз.

САХАРНЫЙ ДИАБЕТ

Понизить содержание сахара в крови больных диабетом можно при помощи следующих средств.

Перепонки 40 грецких орехов залейте 1 стаканом кипятка и томите на водяной бане 1 час. Отвар принимайте по 1 ч. ложке 3 раза в день за 30 минут до еды.

Добавляйте в салаты морскую капусту по 0,5 ч. ложки.

Подготовила
Л. ВОЛОШИНА.

Газета

муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ

Нашр учун масъул

Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.

Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6248 нусха.
Буюртма Г-1045.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚўШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.

